бошлайди </P>
<SCRIPT>
<!--
document.write («Ҳисобланган ифода тенг», square (s), “.”);
//-->
</SCRIPT>
<P> саҳифанинг шаклланиши шу билан тугади.
</BODY>
</HTML>

```

Тег <HEAD>да ўз параметри ифодасининг квадратини қайтарувчи, шунингдек маълумот дарчасини акс эттирувчи square () функциясининг тавсифи берилган. Функцияни чақириш HTML ҳужжати танасида жойлашган сценарийда амалга ошади. Бу сценарийда HTML саҳифасини шакллантиришга мўлжалланган *document* объектининг *write* методи қўлланилади

Ушбу ҳужжат Internet Explorer браузерига юкланганида янги абзац акс этади, сўнгга маълумот дарчаси чиқади.

ОК тугмасининг босилиши маълумот дарчасини беркитади ва саҳифани акс эттиришни давом эттиради.

Java Script тилининг умумий тавсифи ва унинг ўзаги

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, JavaScript интерпретация қилинадиган тиллар тоифасига киради, яъни Java виртуал машинаси дастурнинг бошланғич кодини ўқийди ва шу заҳоти уни бажаради. Шу билан JavaScript дастурнинг бошланғич коди компилятор дастур ёрдамида процессорнинг командаларига айлантириладиган компиляция қилинувчи тиллардан фарк қилади. Интерпретация қилинаётган тилдаги дастурларни бажарувчи виртуал машина *интерпретатор*, деб аталади.

JavaScript тилидаги дастур билан ишлашга оид кичик бир мисолни кўриб чиқамиз.

```
function somefunction (x, y, z, t)
{var a, b, c;
a = x * y;
b = z / t;
c = a-b;
return c;}
```

Бу ерда формулалар *return* параметрлари сифатида сонларни қабул қилувчи ва улар билан ҳисоблаш амалларини бажарувчи функцияни тавсифлайди.

Маълумки, исталган тилдаги ҳар қандай дастур муайян *ифода*лардан таркиб топади. Ифодалар бу дастур томонидан бажариладиган муайян амаллар тавсифидир. Ифодалар *операторлар* ва *операндлардан* ташкил топади; операторлар бажариш лозим бўлган амални, операндлар эса—тавсифланган амалларни бажариш талаб этилган маълумотларни юклайди. Ўзгарувчилар ва литераллар операндлар бўлиши мумкин.

Маълумотларнинг типлари

Маълумотларга тўғри ишлов бериш ҳар қандай дастурнинг асосий вазифасидир. Маълумотлар дастурга киритилади, муайян қоидаларга мувофиқ қайта тузилади ва фойдаланувчига қулай кўринишда тақдим этилади. Дастурда маълумотларни қайта тузувчи қоидалар тавсифи *алгоритм*, деб аталади.

Аксарият замонавий дастурлаштириш тиллари сингари, JavaScript тили ҳам муайян типга мансуб бўлган маълумотлар билан ишлайди. Маълумотлар типи бу маълумотларнинг муайян тури: сон, матнли сатр ва ҳ.к. демакдир. У маълумотларнинг мумкин бўлган ифодалари ва уларга нисбатан қўлланиладиган операциялар тўпламини белгилайди. JavaScript тушунадиган маълумотларнинг барча типлари жадвалда келтирилган.

JavaScript тили тушунадиган маълумотларнинг типлари

Маълумотлар типи	Тавсифи
Сатрли маълумот	Матннинг одатдаги сатрлари. Қўш ёки якка қавс (апостроф белгилари) ичига олиниши лозим. Бунда қўш қавс ичига олинган матн якка қавсли бўлиши мумкин ва аксинча.
Бутун сонли маълумот	Бутун сонлар. Ўнли, саккизли ёки ўн олтили сонлар бўлиши мумкин.
Сузувчи нуқтали маълумот	Каср сонлар. Нуқта билан ажратилган бутун ва каср қисмлардан иборат; каср қисми бўлмаган ҳолда ҳам нуқта қўйилиши шарт. Экспоненциал шаклда ёзилиши мумкин: {мантисса}Е {тартиб}. Каср сонлар фақат ўнли бўлиши мумкин.
Мантиқий маълумот	«Ҳа-йўқ» қабилидаги катталиклар. Уларнинг ифодаларига true ва false—«ҳақиқат» ва «ёлғон» таянч сўзлари мос келади.
Null	Null маълумотлар типи маълумот йўқлигини

Шуни қайд этиш керакки, мантикий тип Internet Explorer иловасида 4.0 версиясидан бошлаб, Navigatorда эса–3.0 версиясидан бошлаб қўлланила бошланган.

Ифодалар

Ифодалар–ўзгарувчилар, литераллар ва операторлар комбинацияси бўлиб, уларни ҳисоблаш натижасида ягона бир ифода ҳосил бўлади. Бу ифода сонли (бутун ёки моддий), сатрли ёки булли бўлиши мумкин.

Ифодаларда ўзгарувчилар ё var оператори билан, ё қайд этиш оператори (=) билан инициализация қилиниши лозим. Агар ифодани ҳисоблашда инициализация қилинмаган ёки мутлақо белгиланмаган ўзгарувчи учраса, интерпретатор “undefined variable” («ўзгарувчи белгиланмаган») хатосини қайд этади ва унинг HTML саҳифасидаги ўрнини кўрсатади.

Энди JavaScript тилида ифодалар тузишнинг бир неча қоидаларини келтириб ўтамиз:

–ҳар бир JavaScript ифодаси нукта ва вергул “;” билан тамомланиши керак;

–ифода бир сатрни ёки бир неча сатрни эгаллаши мумкин бўлиб, бу ҳолда ҳам нукта ва вергул ифода тугаганлигининг белгиси ҳисобланади;

–ифода эга бўлиши мумкин бўлган операторлар ва операндлар сони чекланмаган.

Бироқ, шуни қайд этиб ўтиш керакки, ҳаддан ташқари мураккаб ифодаларни нафақат бошқа дастурчи, балки интерпретаторнинг ўзи ҳам тушунишга кўпинча қийналади. Шу боис, мураккаб ифодаларни нисбатан содда ифодаларга ажратган маъқул. JavaScript тилидаги ҳар хил ифодаларни ёзишнинг *асосий принципларини* ва бунда қўлланиладиган операторларни кўриб чиқамиз.

Маълумотларга ишлов бериш ифодалари

JavaScript арифметик ифодалари “=” кайд этиш оператори билан ажратилган икки қисмдан ташкил топади. Унинг чап томонида янги ифода берилаётган ўзгарувчи, ўнг томонида эса–мана шу янги ифода кўрсатилади. У литерал, бошқа ўзгарувчи ёки муайян ифодани ҳисоблаш натижаси бўлиши мумкин.

Бунга бир неча мисолларни кўриб чиқамиз:

$a = 127;$

$b = a;$

$c = a + b;$

Бу уч ифода мутлақо тўғри ифодалардир. Улар математик формулаларга ўхшаб кетади, бироқ нисбатан қатъий нотацияда ёзилган.

Арифметик операторлар

Булар, авваламбор, ҳаммамиз яхши биладиган қўшиш (+), айириш (-), кўпайтириш (*) ва бўлиш (/) операторларидир. Улар иккита операндни қабул қилади ва битта натижа беради. Уларга қўшимча тарзда қолдикни олиш (%) оператори ҳам мавжуд бўлиб, у бир сонни бошқа сонга нобутун бўлади ва бўлишдан қолган қолдикни қайтаради.

Математик инверсия оператори операнд белгисини ўзгартиради. Масалан, мусбат сонни манфийга, манфий сонни эса–мусбатга айлантиради.

Инкремент (++) ва декремент (--) операторлари операнднинг ифодасини биттага кўпайтиради ёки камайтиради. Бунда, агар оператор белгиси операнд олдида турган бўлса, аввал операция–инкремент ёки декремент амалга оширилади, сўнгра операнднинг ўзгартирилган ифодаси қайтарилади. Бордию, оператор белгиси операнддан кейин турган бўлса, аввал операнднинг ўзгартирилмаган ифодаси қайтарилади, сўнгра операция амалга оширилади.

$a = b^{++}; c = -^{-}c;$

Сатрларга ишлов бериш оператори

Сатрларга ишлов бериш оператори атиги битта. Бу сатрларни қўшиш оператори (+)дир. У ўзининг арифметик цехдаги «ҳамкасби»га ўхшайди, лекин у икки сатрни бирлаштиради, яъни иккинчи сатрни биринчи сатр охирига жойлаштиради.

```
title = “Java” + “Script”;
```

Маълумотлар типларининг ўзаро мувофиқлиги

Ниҳоят, маъруза охирида яна бир муҳим масала—маълумотлар типларининг ўзаро мувофиқлиги ва бир типни бошқа типга автоматик тарзда айлантириш масаласини кўриб чиқамиз.

Агар иккита сонли ифода қўшилса, нима бўлади? Яна битта сонли ифода ҳосил бўлади. Агар сон билан сатр қўшилса-чи? Бу ерда JavaScript интерпретатори маълумотлар типларининг номувофиқлиги муаммоси билан тўқнаш келади ва улардан бирини иккинчисига айлантириб, бу типларни ўзаро мувофиқлаштиришга ҳаракат қилади. Бизнинг ҳолатда сон сатрга айлантирилади ва кейин олинган икки сатр биттага бирлаштирилади.

Type of оператори

Type of оператори ўзгарувчи ёки ифодани операнд сифатида қабул қилади ва операнд маълумотлари типини тавсифловчи сатрни қайтаради. Агар операнд сонли (бутун ёки сузувчи нуқтали) маълумотга эга бўлса, “number” сатри қайтади, бордию операнд сатрли маълумотга эга бўлса, “string” сатри, мантикий маълумот учун эса—“boolean” сатри қайтади. Агар ўзгарувчи умуман маълумотга эга бўлмаса, (var оператори томонидан эълон қилинган, лекин ифодаси берилмаган бўлса) ёки ифода (типлар муваффақиятсиз ўзгартирилиши натижасида) ноаниқ маълумот қайтарса, “undefined” сатри қайтади.

typeof оператори қуйидаги форматга эга:

```
typeof ({Ифода})
```

Ушбу операторнинг қўлланилиши билан боғлиқ мисолларни кўриб чиқамиз:

```
if typeof (a + 1) == "number"
```

```
f = typeof (somevar);
```

Операторлар устуворлиги

Мураккаб ифодаalar тузишда дастурчи назарда тутиши лозим бўлган яна бир тушунча бу операторлар устуворлиги, яъни уларни бажариш кетма-кетлиги тушунчасидир. Биз, ўрганган барча операторлар устуворлик даражасига қараб келтирилган.

Операторлар устуворлиги

Операторлар	Тавсифи
++ ---typeof	Инкремент, декремент, арифметик ва мантикий инверсия, тип белгиси
* / %	Кўпайтириш, бўлиш, бўлишдан қолган қолдиқ
+ -	Сатрларни қўшиш ёки бирлаштириш, айириш
<< >> >>>	Иккиталик силжишлар
&	Иккиталик ВА
^	Соқит этувчи иккиталик ЁКИ
/	Иккиталик ЁКИ
= {оператор} =	Оддий ёки мураккаб қайд этишлар

Бир хил устуворликка эга бўлган операторлар чапдан ўнгга қараб бажарилади.

Шартли операторлар, цикллар ва шарҳлар

Шартли операторлар маълумотларга ишлов бериш билан эмас, балки дастур ишини бошқариш билан шуғулланганликлари учун улар алоҳида гуруҳга ажратилган. Шартли оператор муайян шарт берилган (ёки

берилмаган) ҳолда коднинг муайян қисмини бажариши (ёки, аксинча, бажармаслиги) мумкин. Мантикий ўзгарувчи ифодаси ёки мантикий ифодани ҳисоблаш натижаси мана шундай шарт бўлиб хизмат қилади.

Бу ерда мантикий ифода тушунчасига таъриф бериб ўтиш жоиз. Мантикий ифода JavaScript тилининг одатдаги ифодасидир, бироқ уни ҳисоблаш натижаси *true* ёки *false* мантикий катталиклари ҳисобланади. Мантикий ифода қуйида кўриб чиқиладиган мантикий таққослаш операторларига эга.

if-else тармоқлаш оператори

Тармоқлаш оператори муайян ҳодиса содир бўлганида коднинг муайян қисмини бажариш имконини беради. Ўзгарувчига муайян ифоданинг берилиши ёки муайян ифодани ҳисоблашнинг у ёки бу тарзда алоҳида муносабат билдирилиши лозим бўлган натижаси мана шундай ҳодиса бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тармоқлаш оператори қуйидаги форматга эга:

```
if ({Шарт}) ... “у ҳолда” блоки  
[else  
... “акс ҳолда” блоки]
```

Шарт–мантикий ифода бўлиб, унга мувофиқ интерпретатор қайси блокни бажариш тўғрисида қарор қабул қилади. Агар шарт *true* («ҳақиқат») ифодасига эга бўлса, “у ҳолда” блоки бажарилади. Агар шарт *false* («ёлғон») ифодасига эга бўлса, “акс ҳолда” блоки бажарилади, (агар у мавжуд бўлса). Бордию, «акс ҳолда» блоки мавжуд бўлмаса, дастурнинг навбатдаги ифодаси бажарилади. Агар шартнинг натижаси *null* ёки *undefined* бўлса, тармоқлаш оператори *false*га қандай муносабат билдирган бўлса, унга ҳам шундай муносабат билдиради.

Мана, бунга бир мисол:

```
if (x == 1){f = 3; h = 4;}  
else { f = 33; h = 44; }
```

Бу ерда биз, *x* ўзгарувчининг ифодасини бир (1)га таққослаймиз ва таққослаш натижаларига қараб *f* ва *h* ўзгарувчиларга ҳар хил ифодалар

берамиз. Шартга эътибор беринг—*мантиқий таққослаш оператори* шундай топилади.

Таққослаш операторлари

Оператор	Тавсифи	Оператор	Тавсифи
<	Кичик	&&	Мантиқий ВА
>	Катта	//	Мантиқий ЁКИ
==	Тенг	!	Мантиқий МАС
<=	Кичик ёки тенг	===	Қатъий тенг
>=	Катта ёки тенг		
!=	Тенг эмас	! ==	Қатъий тенг эмас

Дастлабки олти оператор билан ҳеч қандай муаммо туғилмаслиги керак—улар икки ифодани бир-бирига таққослайди ва шарт бажарилган бўлса, true ни, бажарилган бўлмаса—false ни қайтаради.

Кейинги уч оператор мураккаброқ мантиқий ифодалар тузиш имконини беради. Улар икки мантиқий ифода устида ВА, ЁКИ ва ЭМАС мантиқий операцияларини бажаради ва натижани қайтаради.

Цикллар

Цикллар—бир неча марта бажарилувчи блоклар. Циклнинг такрорланиши муайян шарт берилишига қараб тўхтатилади. Бу муайян шарт берилганида коднинг муайян блоки бажариладиган ёки бажарилмайдиган шартли операторлар билан боғлиқ ҳолатга ўхшайди.

JavaScript дастурчиларга циклларнинг бир неча турларини таклиф қилади.

for цикли

Токи муайян шарт ҳақиқий бўлиб қолар экан, for цикли бажарилади, (true қайтарилади). У коднинг муайян фрагментини маълум марта бажариш учун қўлланилади. Бу ҳолда коднинг мазкур фрагменти неча марта бажарилганлигини ҳисобловчи бутун сон *цикл ҳисоблагичи*, деб аталадиган

ўзгарувчига жойлаштирилади. Коднинг циклда бажарилувчи блоки эса *цикл танаси* ҳисобланади.

```
for ({Инициализация ифодаси}; {Шарт};  
    {Инкремент ифодаси}) ... Цикл танаси
```

Инициализация ифодаси ўзгарувчи-ҳисоблагичнинг бошланғич ифодасини беради. Шундан кейин шарт текшириб кўрилади ва агар унинг ифодаси ҳақиқий бўлса, цикл танаси бажарилади. Шундан сўнг, инкремент ифодаси ҳисоблагичнинг ифодасини ўзгартиради ва яна шарт текшириб кўрилади. Токи, шарт ёлғон (false) тус олмагунича бу амал қайта-қайта бажарилаверади. Ҳисоблагич билан боғлиқ бундай цикллар дастурларда жуда кўп учрайди.

```
for (i = 1; i < 11; i++) { a += 3; b = i * 2 + 1; }
```

Оператор , (вергул)

JavaScript асосан, for цикллари инкрементининг ифодаларида қўлланувчи операторни таклиф қилади. Бу , (вергул) операторидир. У инкрементнинг бир у, бир бу ифодасини кетма-кет бажариш имконини беради. У қуйидаги форматга эга:

```
{“Тоқ ифода”}, {“Жуфт ифода”}
```

Циклнинг биринчи ўтишида «тоқ» ифода, иккинчи ўтишида—«жуфт» ифода, учинчи ўтишида эса—яна «тоқ» ифода бажарилади ва ҳ.к.

```
for (i = 0; j < 11; i++, j++) { a = i * 2 + 1; b = j / 2-3; }
```

, (вергул) оператори устуворлик жиҳатидан барча операторлар орасида энг охирги ўринда туради.

do-while цикли

do-while цикли for циклига кўп жиҳатдан ўхшаш, бироқ унда ҳисоблагич қўлланилмайди. Токи, шарт ҳақиқий бўлиб қолар экан, do-while цикли бажарилаверади. Бунда шарт цикл танаси бажарилишидан олдин эмас, балки у бажарилганидан кейин текширилади. Шу боис, ҳатто шарт аввалбошдан

сохта бўлган тақдирда ҳам, do-while цикли ҳеч бўлмаса бир марта бажарилади.

Do

... Цикл танаси

while ({Шарт});

Сиз do-while циклини ҳар хил усулда қўллашингиз мумкин:

Маълумотлар базаси MySQL

Қуйида қандай қилиб клиент дастури MySQL га уланишни кўрамиз. Бу дастур ёрдамида MySQL серверга уланиш, SQL-сўровларни бажариш ва шу сўровлар натижаларини кўриб чиқиш мумкин. Бу қсимни ўрганиш учун компютерингизда утилитига MySQL ўрнатилгаг ва MySQL сервери билан боғланган бўлиши керак. MySQL серверига MySQL дастури ёрдамида боғланиш учун фойдаланувчи номини ва одатда парол киритиш лозим. Агар сервер ва клиент ҳар хил машиналарда жойлашган бўлса, MySQL сервери ишга туширилган хост номини кўрсатиш лозим:

```
shell> MySQL -h host -u user -p
```

Шундан сўнг экранда қуйидаги сўров пайдо бўлади Ентер пассворд:, ва сизга ўз паролингизни киритишингиз керак бўлади. Агар уланиш тўғри амалгаошган бўлса, экранда қуйидаги маълумот ва команда сатри белгиси пайдо бўлади

```
MySQL>:
```

```
Welcome to the MySQL monitor. Commands end with ; or \g.
```

```
Your MySQL connection id is 459 to server version:
```

```
Type 'help' for help.
```

```
MySQL>
```

Қуйидаги MySQL> белгининг пайдо бўлиши MySQL дастури ишга тайёрлигини билдиради. Сервердан ихтиёрий пайтда QUIT командасини териб узилиш мумкин:

```
MySQL> QUIT
```

Сервердан версияси ва вақтни сўрайдиган содда командани қуйидагича:

```
MySQL> SELECT VERSION(), CURRENT_DATE;
```

MySQL нинг бу сўровга жавоби қуйидаги жадвалдан иборат:

```
+-----+-----+
| version() | current_date |
+-----+-----+
1 row in set (0.02 sec)
```

Бу сўровни бажариш мисолида MySQL билан ишлаш асосий хусусиятларини кўриш мумкин:

- Серверга юборилаётган команда, одатда SQL-ифодадан иборат бўлиб, кетидан нуқта вергул келади. Бу қоидадан чекинишлар бор, масалан QUIT командасидан сўнг нуқтавергул қўйилмайди;

- MySQL сўров натижасини жадвал шаклида чиқаради;

- Сўров натижаларидан иборат жадвални чиқаргандан сўнг, MySQL қайтарилган сатрлар сони ва сўров бажариш вақтини кўрсатади. Бу қулай, чунки сервер унумдорлигини ва сўров бажариш эффективлигини баҳолашга имкон беради;

- Сўров натижалари ва бажарилиш вақтини чиқаргандан сўнг, MySQL янги MySQL> сатрни чиқаради, бу эса янги командалар бажаришга тайёрлигини кўрсатади.

MySQL командалари регистрга боғлиқ эмас, шунинг учун қуйидаги сўровлар бир хилдир:

```
MySQL> select version(), current_date;
```

```
MySQL> SELECT VERSION(), CURRENT_DATE;
```

```
MySQL> Select Version(), Current_DATE;
```

MySQL бир сатрга бир неча командаларни жойлаштиришга имкон беради, лекин улар ҳар бири нуқтавергул билан тугаши керак. Масалан:

```
MySQL> SELECT VERSION(); SELECT NOW();
```

Бундай сўровга қуйидаги натижани оламиз:

```
+-----+
```

```
| version() |
+-----+
| 4. 0. 13-nt |
+-----+
1 row in set (0. 00 sec)
+-----+
| NOW() |
+-----+
| 2004-01-25 16:57:00 |
+-----+
1 row in set (0. 03 sec)
```

Лекин ҳамма командаларни бир сатрга жойлаш шарт эмас:

```
MySQL > SELECT USER(),
-> CURRENT_DATE;
```

Натижа:

```
+-----+-----+
| user()      | current_date |
+-----+-----+
| ODBC@localhost | 2004-01-25   |
+-----+-----+
1 row in set (0. 00 sec)
```

Эътибор беринки биз янги сатрга ўтгандан сўнг, команда сатри белгиси MySQL> дан -> гаўзгарди. Бу билан MySQL тугатилган сўров олинмаганлигини ва сўров охирини кутаётганлигини билдиради. Бу белги жуда фойдали, чунки баъзи хатолар олдини олишга имкон беради. Агар сиз сўров охирида нуқия вергул қўйишни унутган бўлсангиз, MySQL бу тўғрида -> белгини чиқариб билдиради:

```
MySQL> select user()
->
```

MySQL дан сода калкулятор сифатида фойдаланиш учун маслан

қуйидаги сўровни киритиш керак:

МББТ MySQL да SQL тилининг реализацияси ва PHP

бошқарилувчи сўров

MySQL маълумотлар базасида ишлатиладиган маълумотлар типлари Бутун сонлар. Маълумотлар типини кўрсатиш умумий формаси:

prefiksINT [UNSIGNED]

Шарт бўлмаган байроқ UNSIGNED иорасиз сонлар (ўнга тенг ёки катта) сонлар сақлаш учун майдон яратишни билдиради.

TINYINT	Диапазони -128 дан 127 гача сонларни сақлаши мумкин
SMALLINT	Диапазони -32 768 дан 32 767 гача сонларни сақлаши мумкин
MEDIUMINT	Диапазони -8 388 608 дан 8 388 607 гача сонларни сақлаши мумкин
INT	Диапазони -2 147 483 648 дан 2 147 483 647 гача сонларни сақлаши мумкин
BIGINT	Диапазони -9 223 372 036 854 775 808 дан 9 223 372 036 854 775 807 гача сонларни сақлаши мумкин

Каср сонлар

MySQL да бутун сонлар бир неча турга ажратилганидек, каср сонлар ҳам бир неча турга ажратилади. Умумий ҳолда улар қуйидагича ёзилади:

ТипНоми[(length, decimals)] [UNSIGNED]

Бу ерда – каср узатилишда жойлашадиган белги жойлари сони (майдон кенглиги). decimals – ўнли нуқтадан сўнг ҳисобга олинувчи рақамлар сони. UNSIGNED – ишорасиз сонларни беради.

FLOAT	Аниқлиги унча катта бўлмаган сузувчи нуқтали сон.
DOUBLE	Иккилик аниқликка эга бўлган сузувчи нуқтали сон.
REAL	DOUBLE учун синоним.
DECIMAL	Сатрлар шаклида сақланувчи каср сон.

MAL	
NUM ERIC	DECIMAL учун синоним.

Сатрлар

Сатрлар символлар массивларидан иборат. Одатда SELECT сўрови бўйича матнли майдонлар бўйича излашда символлар регистри ҳисобгаолинмайди, Яъни "Vasya" ва "VASYA" сатрлари бир хил ҳисобланади. Агар маълумотлар базаси матни жойлаштириш ва ўқишдаавтоматик қайтакодлашга созланган бўлса, бу майдонлар сиз кўрсатган кодлашда сақланади. Олдинига length дан ошмаган символлар сақловчи сатрлар типлари билан танишамиз., length принадлежит диапазону от 1 дан то 255 гача бўлган диапозонда ётади.

VARCHAR (length) [BINARY]

Бу типдаги майдонга бирор қиймат киритилганда ундан охирини кўрсатувчи символлар автоматик равишда қирқиб олинади. Агар BINARY байроғи кўрсатилган бўлса, SELECT сўровда сатр регистрни ҳисобгаолган холда солиштирилади.

VARCHA R	255 дан ортиқ бўлмаган символларни сақлаши мумкин.
TINYTEX T	255 дан ортиқ бўлмаган символларни сақлаши мумкин.
TEXT	65 535 дан ортиқ бўлмаган символларни сақлаши мумкин.
MEDIUMT EXT	16 777 215 дан ортиқ бўлмаган символларни сақлаши мумкин.
LONGTEX T	4 294 967 295 дан ортиқ бўлмаган символларни сақлаши мумкин.

Кўпинча TEXT тпи қўлланади, лекин маълумотлар 65536 символдан ошмаслигига ишонмасангиз, LONGTEXT типидан фойдаланинг.

Бинар маълумотлар

Бинар маълумотлар – TEXT форматидаги маълумотларнинг ўзи, лекин

уларда излашда символлар регистри ҳисобгаолинади.

TINYBLOB	255 дан ошмаган символларни сақлаши мумкин.
BLOB	65 535 дан ошмаган символларни сақлаши мумкин.
MEDIUMBLOB	16 777 215 дан ошмаган символларни сақлаши мумкин.
LONGBLOB	4 294 967 295 дан ошмаган символларни сақлаши мумкин.

BLOB-маълумотлар автоматик қайта кодланмайди, агар ўрнатилган уланиш билан ишлагндадрхол қайта кодлаш имконияти ўрнатилган бўлса.

Сана ва вақт

MySQL сана ва вақтни ҳар хил форматларда сақлаш учун мўлжалланган майдонлар бир неча типларини қўллайди.

DATE	GGGG-MM-DD форматдаги сана
TIME	CHCH:MM:SS форматдаги вақт
DATETIME	GGGG-MM-DD CHCH:MM:SS форматдаги сана ва вақт
TIMESTAMP	тimestамп форматдаги сана ва вақт. Лекин майдон қийматини олишда у тimestамп форматида эмас, GGGGMMDDCHCHMMSS форматдаакс этади, бу эса PHP дан ундан фойдаланиш қиматини анча камайтиради.

Энди APM маълумотлар базасини MySQL базасида қандай қилиб яратишни ўрганиб чиқамиз. Бизга маълумки маълумотлар базаси ўзининг номига эга булиши билан бирга уни ташкил қилувчилари жадваллар бўлади.

MySQL базаси билан ишловчи командалар

MySQL да маълумотлар базаси CREATE DATABASE командаси ёрдамида яратилади. Команда синтаксиси :

CREATE DATABASE database_name

• database_name – Маълумотлар базасига бериладиган номни

Tatu_elib деб белгилайлик. Демак,

CREATE DATABASE Tatu_elib

PHP да маълумотлар базасини яратиш:

```
$SQL="CREATE DATABASE Tatu_elib"; MySQL_query($SQL);
```

Агар маълумотлар базасини ўчирмоқчи бўлсак DROP DATABASE командасидан фойдаланилади. Синтаксис: DROP DATABASE database_name

PHPда маълумотлар базасини ўчириш:

```
$SQL="DROP DATABASE db_test"; MySQL_query($SQL);
```

USE командаси ёрдамида жадваллар билан ишлаш учун MySQL га қайси база билан ишлаш ҳақида маълумот беради.

§3. Ахборот тизимининг маълумотлар базасини лойиҳалаш ва уни MySQL да яратиш.

Юқоридаги урганганлар буйича биз тизимнинг маълумотлар базасининг жадвалларини ишлаб чиқамиз.

1. Кархонанинг лавозимлари жадвали:

Server: localhost Database: nub Table: labozim

MySQL returned an empty result set (i.e. zero rows). (Query took 0.00)

```
SELECT *
FROM `labozim`
LIMIT 0 , 30
```

	Field	Type	Collation	Attributes	Null	Default
☐	id	int(2)			No	None
☐	name	varchar(30)	utf8_general_ci		No	None

Бунда «id» - лавозимнинг идентификация рақами, «name» - лавозимнинг номланиши.

2. Ходимларнинг руйхатини курсатувчи жадвал:

Field	Type	Collation	Attributes	Null	Default	E
id	int(3)			No	None	
surname	varchar(30)	utf8_general_ci		No	None	
name	varchar(30)	utf8_general_ci		No	None	
lastname	varchar(30)	utf8_general_ci		No	None	
id_labozim	int(2)			No	None	

3. Товарларнинг турларининг жадвали

Field	Type	Collation	Attributes	Null	Default
id	int(3)			No	None
tur_nomi	varchar(40)	utf8_general_ci		No	None

4. Товарларнинг номлари руйхатининг жадвали

Field	Type	Collation	Attributes	Null	Default	Extra
id	int(6)			No	None	
nomi	varchar(100)	utf8_general_ci		No	None	
id_turi	int(3)			No	None	

5. Омборханаларнинг жадвали

Field	Type	Collation	Attributes	Null	Default
id	int(2)			No	None
nomi	varchar(100)	utf8_general_ci		No	None
mudir_id	int(3)			No	None
kladovchik_id	int(3)			No	None

6. Етказиб берувчи кархоналар ва харидорлар руйхати жадвли

Field	Type	Collation	Attributes	Null	Default
id	int(3)			No	None
name	varchar(255)	utf8_general_ci		No	None
rekvezit	varchar(255)	utf8_general_ci		No	None
adres	varchar(255)	utf8_general_ci		No	None
prim	varchar(3)	utf8_general_ci		No	None

7. Товарларнинг сотиб олиниши, кархонга киришини курсатувчи жадвал

Field	Type	Collation	Attributes	Null	Default
id	int(6)			No	None
id_tovar	int(4)			No	None
id_eb	int(3)			No	None
ulcham_birl	varchar(15)	utf8_general_ci		No	None
kirish_boqasi	varchar(15)	utf8_general_ci		No	None
sotish_boqasi	int(6)			No	None
olingan_hajmi	int(6)			No	None
sertifikat_fail	varchar(20)	utf8_general_ci		No	None
kirish_vaqti	date			No	None
yaromlilik_muddati	date			No	None

7. Товарларнинг омборханаларда сақланиш жадвали

Field	Type	Collation	Attributes	Null	Default
id_sklad	int(2)			No	None
id_tobar	int(4)			No	None
kirish_hajmi	int(6)			No	None
qoldiq_hajmi	int(6)			No	None

Биз юқорида тизимнинг асосий жадвалларини курсатиб кеттик.

Ушбу маълумотлар базаси ва PHP тили ёрдамида фойдаланувчилар интерфейсини яратамиз.

прр	Накладной раками	Етказиб берувчилар	Жўнатиш санаси	Қабул қилинган сана	Сумма	Куриш
1	ks-2342	"Янгикола" МЧЖ	2014-04-02	2014-04-04	10.767.000,00	Куриш
2	w24	Шарх ширинликлари ХФ	2014-05-05	2014-05-06	100.000.000,00	Куриш
3	sat_1298	ХК "Транс-узб-К"	2014-06-02	2014-06-06	101.000.000,00	Куриш
4	wq	"Янгикола" МЧЖ	2014-06-18	2014-06-21	100.000,00	Куриш
5	2345	Шакар заводи	2014-06-16	2014-06-22	170.000.000,00	Товар киритиш
6						Сақлаш



Яратган тизимимизда асосий учта бўлим бор бўлиб, «Прайс-лист» бўлими барча фойдаланувчилар учун очиқ ва уннан кархонадаги мавжуд товарлар руйхати, боҳаси в.х. билан танишимиз мумкин.

«Сотиш бўлими» эса ёпиқ бўлим бўлиб, фақат рухсат этилган ходимлар уз парол ва логиини орқали кириш имконига эга. Бу бўлимда «Етказиб берувчилар» ишки бўлими орқали етказиб берувчи кархоналарнинг руйхатини куришимиз ва янги ёзув қушишимиз мумкин. «Товарлар номлари» ишки бўлимида омборлардаги товарлар номларини ва янги товар

номини киритишимизга булади. «Келтирилган товарлар» ишки бўлими юқоридаги расмда курсатилган. Унда олдин келтирилган тоарларнинг накладнойлари курсатилади ва янги накладной кушишга булади. Янги кушилган накладнойга екки кун ичида товарларнинг руйхатларини киритишимиз ва омварларга булиштиришимиз мумкун.

«Омборхона мудир» булимигада парол ва логин билан кирилиб унда омбор мудирлари узларига бекитилган омбордаги товарларнин ҳолати ва харидорларга ёзилган хисоб барахасидаги товарларни йўнотганлиги туғрисида белги туширади. Уннан кейин тизимда товар кулами омбор хисобидан чиқарилади.

Бу яратилган тизимга янги модулар кушиш ва узгартиришлар киритиш, имкон дойрасидаги ҳисобатлар таёрлаш модулларини кушиб боришга булади.

Хулоса

Мамлакатимизда ахборот ва телекоммуникация технологияларини равожлантириш буйича белгиланган мақсад ва вазифалар, ишланаятган ишлар, буларнинг ҳаммаси мамлакатимиздаги соҳаларнинг яқин йилларнинг ишида замон билан ҳамнафас янги ахборот ва телекоммуникация технологияларга утишининг гаровидир.

Битирув малакавий ишда улгуржи савдо кархоналари фаолиятини автоматлаштиришда «Нукус универсал базаси» шўъба корхонаси мисолида ахборот тизимини яратиш масалалари урганилиб куйидаги хулосалар олинди.

- «Нукус универсал базаси» шўъба корхонаси бизнес жараёни урганилиб таҳлил этлган ва функционал модели ишлаб чиқилди.
- Ахборот тизимида маълумотлар ва фойдаланувчилар ҳисобга олиниб унинг лойҳаси яратилди.
- Ахборот тизимини яратишда Веб дастурлашда қулай булган MySQL маълумотлар базаси ва PHP скриптили тили танланиб улар урганилиб чиқилди.
- Буларнинг асосида тизимнинг ахборотлар манбайлари учун маълумотлар базаси яратилиб фойдаланувчилар учун интерфейс ишланди.

Нукус универсал базаси шўъба корхонаси фаолиятини автоматлаштириш учун яратилган ўрта ахборот тизими янада ривожлантирилиб масофадан харид қилиш модулларини ва бошқада имконларини қушишга қаратилиб ишланганини ҳисобга олсак уни бошқада ушбу фаолияттаги бошқа кархоналаргада фойдаланишга булади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И. Шапошников
Web-сайт своими руками -: БХВ – Санкт-Петербург, 2000
2. Орлов А.А.
PHP. Полезные приёмы. Издательство: Горячая -Телеком, 2004
3. Кузнецов М.В., Симдянов И.В., Голышев С.В.
PHP5. Практика создания web-сайтов. Изда: БХВ-Петербург, 2005
4. Кухарчик А..
PHP. Обучение на примерах. Издательство: Новое знание, 2004. PDF
5. Луис Аргерих, Ванкиу Чой, Джон Коггсхол.
Профессиональное PHP программирование. Издательство: Символ-Плюс, 2003.DJVU
6. Sh.A. Nazirov, R.V. Qobulov.
MySQL va PHP (qo'llanma). Uzbekistan 2008)
7. <http://www.php.ru/>
8. <http://www.intuit.ru/>
9. <http://www.allday2.com/>
10. <http://www.mysql.ru/docs/man/Connecting-disconnecting.html>